

Ақийда дарслари (147-дарс). Аҳли сунна мавқиғи (иккинчи мақола)



18:11 / 16.08.2021 3511

ح. سَأْنَلِ اَلْعَلَلُ وَأَنْمَآنِ اَكْلَلَ حَدَّ نَمَوَ مَيْهَارْبُ اَمْأَقْمُتْ اَنْيَبُ تَأْيِيْفُ
نَعْيَنَغُ هَلَلِ اَنِافَرَفَكُ نَمَوَ اَلِيَبَسُ هَيَلِ اَعْطَسُ اَنَمَتْيَبُ لِا
نَيِمَلَعَلِا

1. «Одамлардан йўлга қодир бўлганларига Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилмоқ бурчдир» (Оли Имрон сураси, 97-оят).

Аллоҳ таоло ҳажни иститоъати бор кишиларга фарз қилди. Яъни соғлиги кўтарадиган, моддий имконияти бор ва ҳаж қилиш воситаларига эга бўлганларига фарз қилди.

Ана ўша нарсалардан бирортаси бўлмагани туфайли ҳаж қилмаган одамни Аллоҳ иқобга олмайди.

مُكْسُفَنِ الْأَرْيَخِ اُوقَفَنِ أَوْ اُعْيَطَنِ أَوْ مُتْعَطَّسَنِ اَمَّلَلِ اُوقَتَافِ
نُوْجَلْفُمْلِ اُمْهَكَيَلْوَافِ وَسْفَنْ حُشَقُويِ نَمَوَ

2. «Аллоҳга қўлингиздан келганича тақво қилинг» (Тағобун сураси, 16-оят).

Аллоҳ таоло инсонга иститоъати, яъни имкони, қудрати етганича тақво қилишни вожиб қилди. Кимда иститоъат бўлмагани учун тақво қила олмаса, гуноҳкор бўлмайди.

مُّل نَمَفْ آسَامَتَي نَأْلَبَقْ نَمِنْيَعْ بَاتَمْنِيَرَهَشْ مُمَايِصَفْ دَجَيْ مُّل نَمَفْ
كُلْتَوْلُسَرَوْهَلَلَابْ اُونْمُوتَلْ كَلَدْ آنِيَكْسَمْ نَيِّتَسْ مَاعَطَإَفْ عَطَتْسَي
مِيلَأَبْ آدَعْ نِيرَفَأَكْلَوْهَلَلَادُدْ

3. «Ким қодир бўлмаса, олтмиш мискинни тўйдирсинг» (*Мужодала сураси, 4-оят*).

4. Аллоҳ таоло мунофиқларнинг

ُقْشِلَأُمْهِيَلَعْ تَدْعَبْ نَكَلَوْكُعَبَّالْ أَدْصَاقْ أَرَفَسَوْ أَبِيَرَقْ أَصَرَعْ نَأَكْ وْ
مُهَسْفَنَأَنْوُكَلْهِيْمُكَعَمْ آنْجَرَخَلْ آنْعَطَتْسِلْوَلَلَابْ نُوْفَلْحَيَسَوْ
نُوبَذَاكَلْمُهَنِإِمَلْعَيْهَلَلَأَوْ

**«Агар имконимиз бўлганида, албатта сиз билан чиқар эдик»,
дерлар» деган гапларини келтирган (*Тавба сураси, 42-оят*).**

**Ушбу оятлардаги иститоъат - қодир бўлишдан мурод асбобларнинг,
воситаларнинг саломат бўлиши ва инсоннинг имкони бўлишидир.**

5. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Имрон ибн Хусайн розияллоҳу анҳуга: «Намозни тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб, унга ҳам қодир бўлмасанг, ёнбошлаб», деганлар.

Бухорий ривоят қилган.

Бу ҳадисдаги иститоъат - қодир бўлиш ҳам асбоб ва воситаларнинг саломат бўлишидир.

Иккинчиси: иш билан бирга бўладиган иститоъат. Бундай иститоъат бир ишни бажариш или ўз вазифасини адо этиш имкониятидан иборатдир.

(Давоми бор)

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди

